

«Қуръон баҳори» номли халқаро мусобақада вакилимиз иштирок этади



10:13 / 29.10.2021 1473

Бугун юртимизнинг қориси, «Имом Бухорий» номли Тошкент ислом институти талабаси Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида МДХ республикалари Қуръон ҳофизлари иштирокида ўтказиладиган I Халқаро Қуръони Карим мусобақасида қатнашиш учун Бишкек шаҳрига жўнаб кетди. Бу ҳақда *ЎМИ Халқаро алоқалар бўлими хабар берди.*

Ушбу мусобақа «Қуръон баҳори» шиори остида 2021 йилнинг 30 октябрь куни Бишкек шаҳридаги «Имом Сарахсий» номли Марказий жоме масжидда ўтказилади. Унда МДХ давлатларидан келган Қуръон ҳофизлари тажвид қондаси асосида Қуръони Каримни ёддан ўқиб бериш бўйича мусобақалашади.

Фурсатдан фойдаланиб Ҳабибуллоҳ қорига Аллоҳдан муваффақият ва омадлар тилаб қоламиз.